ЎРОЗ ҲАЙДАР ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ

Саодат Араловна МЎМИНОВА
Филология фанлари номзоди
Доцент
Қарши давлат университети
Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада шоир Ўроз Ҳайдарнинг бадиий маҳорати ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: шоир, мавзу, талқин, таҳлил, руҳият, бадиият, истеъдод.

ПОЭТИКА ПОЭЗИИ ОРОЗА ХАЙДАРА

Саодат Араловна МУМИНОВА
Кандидат филологических наук
Доцент
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматривается художественное мастерство поэта Ороза Хайдара

Ключевые слова: поэт, тема, интерпретация, анализ, психика, изобразительное искусство, талант.

XX асрнинг 80-йилларида шеъриятимизга янгича қарашга эга бўлган бадиий тафаккур эгаси Ўроз Ҳайдар ўз овози, ўз услуби билан кириб келди. Унинг шеърияти XX аср охири ва XXI аср бошлари ўзбек шеърияти ривожида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, “Ҳар бир авлод вакиллари ўзига хос овози, услуби, манераси, идрок этиш хусусиятлари билан ўз бадиий дунёсини яратади. Бу хусусият мазкур авлоднинг қиёфасини ҳам белгилаб беради” [3; 101].

Ўроз Ҳайдар – истеъдодли шоир. Унинг шеърлари бугунги кун шеърхони талабларига жавоб бера олади. Хусусан, руҳий сезими ўткир, туйғулари нафис ва таранг, тафаккури чўнг ва терандир. Шоирнинг шеърларини мутолаа қилар экансиз, гўёки истеъдодли рассом чизган суратни томоша қилгандек тасаввурга эга бўласиз. Ўроз Ҳайдар шеърларида инсон руҳияти иқлимлари кашф этилади, ҳаётни, атроф-теварагида кечаётган воқеа-

ҳодисаларни болаларча маъсум идрок этиш ҳолатлари, болаликнинг содда қиёфаси, ҳикматга мойил етук тафаккур ёлқинлари билан вобасталиги ўқувчи қалбини мафтун этади. Унинг шеърларида ўзбекона ҳаёт манзаралари акс этади, Қашқадарёнинг бепоён кенгликлари, Чироқчи дашту саҳролари, табиати, содда ва мард одамлари тасвирланади. Табиийки, бугунги шеърхонни унча-мунча ташбеҳлар билан ҳайратга солиб бўлмайди. Шоир шеърий тўпламларининг номланишидаёқ гўзал поэтика мавжуд: “Қуёш ўтови” (1984), “Куйловчи тошлар” (1990), “Мусиқор”, “Қизалоқ ва қизғалдоқ” (1993), “Ҳазилкаш қиш” (1997), “Аксиома” (2003), “Оқ соя” (2004), “Яйловдаги оқ ўтов” (2005), “Руҳафзо” (2006), ”Фалак фаввораси”, ”Кечиккан фасл”. Ўроз Ҳайдар шеъриятини кузатганимизда, унинг ”теша тегмаган” оҳорли тасвирий ифодалари, бетакрор ташбеҳлари тафаккуримизни ҳайратлантиради. Шоирнинг “Аксиома” шеъри кучли фалсафий ташбеҳлари билан фарқлидир.

Иншо ёзмоқдаман, аммо мавзу йўқ,
Сиёҳдонда сиёҳ бормоқда қуриб,
Тасаввур кўзида бир олтин балиқ,
Илтижо қилади унсиз қичқириб.
Тамаки эзгандай эзиб фикримнинг
Кепагин элакда элайман расо.
Мен дод солганимда мазмунсизликдан
Сўқирнинг қўлидан учади асо [].

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ана шу имкониятни бой бериш мумкин эмас. Яшашдан маъно, мазмун бўлиши керак. Умр “иншо”сига мос мавзу топиш, уни “сиёҳдонда сиёҳ” қуримасдан мазмунли ёза олиш мураккаб жараён. Инсоннинг ҳаёти жумбоқ. Умр мазмуни ҳақидаги шеър ҳар қандай ўқувчини ҳам ўйлашга мажбур қилади. Мазмунли ўтган умр сўнггида одам ўзидан ҳам, умридан ҳам қониқади. Аммо “мазмунсизлик”, яъни бенаф ўтган вақт афсус-надоматга ошно қилади, мазмунини йўқотган йиллар “фикрнинг элагидан”

ўтиши қийин кечади.

Бўлғайми баҳор сўлим? Билиб бўлмас ҳеч!
Етғайми унга қўлим? Билиб бўлмас ҳеч!
Бор умрини ухлаб ўтказибди бахтим,
Уйқуми бу ўлим? Билиб бўлмас ҳеч"[1;25]

Паҳлавон Маҳмуд талқинига кўра инсон тириклиги, умр – қодир эгам томонидан ноил этилган бахт. Ва лекин, не аламки, инсон умрини ғафлат уйқусида ўтказибди. Тириклик, бу – уйқуми, ва ёхуд, уйқу – ўлимнинг ўзими? Лирик қаҳрамон ҳаёт ва боқийлик, умр ва ўлим ҳақида ўйларга толади. Ўткинчи умрлар вафосизлигидан лолу беҳол, танг қолади. Шоирнинг аксар шеърларида лирик қаҳрамоннинг фикрини билиш, руҳиятини англаш мушкул. Сабаби, лирик қаҳрамон ҳаётдан нима исташи мавҳумдек туюлади. Ўзини юксак тафаккур соҳиби, оламнинг ягона эгаси санаган инсон кези келганда ўзига кучи етмай қолади. "Фикр – ботиний қиёфа, одамнинг, шахснинг ички қиёфасини кўрсатиб турувчи кўзгу. Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди. Фикр одамнинг ўзлигини, ўзига хослигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб, талаб қилиб туради. Фикр, аслида "мен мавжудман" дегани [1;14]. Инсон умрида ҳаётий ситуациялар шу қадар хилма хилки, унга ҳеч қачон бир хил қолипдаги кўрсатма бериб бўлмайди. Лирик қаҳрамон "мазмунсизликдан" яъни, фикрсизликдан, ўзлигини англай олмасликдан, бенаф ўтган умридан афсус чекади, ачинади. Шеър мисралари зимнидаги маъно секин-секин ойдинлашиб бораверади. Инсон бутун умр давомида излаган йўли – Шахснинг ўзлигини англаши, мустақиллиги йўли. Зеро, "Худо инсонни бир умр бахт излаш азоби билан жазолаган" [4;15.] деган ҳикматда катта маъно мужассам.

Ҳақиқий истеъдод билан ёзилган шеър қайси замон ва маконда ёзилса ҳам ҳар доим ўқувчини беғубор ва бепоён руҳий кенгликлар сари чорлайди. Руҳий маънавий бойликларга бой олам янглиғ эзгуликларга ундайди. Ўроз Ҳайдар шеърлари оддийгина ўқилмайди, тушунилмайди, балки юракдан ҳис қилинади.

Шоирнинг “Саҳро” шеърига эътибор беринг:

Қум ёнмоқда, қирлар тўлғонар,
Чинқиради сариқ саратон.
Кун тафтида шамол чўғланар,
Ҳароратдан эрийди дармон.
Қавжирайди ҳар қандай гиёҳ,
Ороми йўқ қумдай соврилиб;
Бўм-бўшлиқнинг доғида саҳро
Ўз дардига ётар қоврилиб [].

Шеърда табиат манзараси ниҳоятда ҳассос чизилган. Охирги байтда саҳро одам каби мазмунсизликдан, бўм-бўшликдан “ўз дардига қоврилиб” ётганини кўрамиз. Ушбу шеър худди “Аксиома” шеърининг давомидек тасаввур уйғотади. Шоирнинг шеърларини кетма-кетликда мутолаа қилинса, худди яхлит асарга ўхшайди. Саратонда саҳронинг иссиғи, қайноқ тафтини аниқ ҳис этгандек, ўзингизни худди саҳронинг қоқ марказида тургандек ҳис этасиз. Бағрида яшилликдан асар ҳам йўқ “сариқ саратон” ҳароратга чидай олмай “чинқиради”. Хаёлингизда қумлар ёнаётгандек, қирлар тўлғонаётгандек туюлади. Шеър мисралари ҳам худди ҳаракатланаётгандек гўё! “Ороми йўқ қумдай соврилиб” ҳар қандай гиёҳ қовжирайди, саҳро тўлғоқ дардини чекаётган аёлдек тўлғонади! Шеър мисраларида чексизликнинг бир бўлаги саратон бағридаги саҳро ҳолатини қалбдан ҳис этамиз, саҳронинг қайноқ тафти юзимизга урилгандек, кучли ҳароратдан танда дармонимиз қуригандек бўлади. Шоир моҳир рассом каби манзаранинг суратини чизади, унинг бадиий тасвир маҳоратига қойил қолмай иложимиз йўқ. Одамзод ҳамиша табиатдан ўрганиб, табиатга тақлид қилиб яшайди. Табиат ҳодисаларида ҳаётнинг азалий ва абадий нафаси мужассам. Ҳар куни тонг отади, кун ботади, инсон дунёга келади, яшайди ва охиратга юз тутади.

Ўроз Ҳайдар лирикасида инсон ҳаёти, умр фалсафаси алоҳида бир

саҳифани ташкил қилади. Хусусан, инсон умрининг тиниқлиги ва равшанлиги, яшашнинг асл моҳияти – бевосита ҳаёт рангларига мазмун ато эта олиш билан уйғунликда намоён бўлади. Инсоннинг ҳаёт йўли, умри, меҳнат, гўзаллик, инсонийлик ҳақидаги теран мушоҳадалар моҳият эътибори билан шоирнинг ҳаёт ва бахт ҳақидаги, инсон тириклиги ва тақдири хусусидаги ўй-мушоҳадаларининг фалсафий асосига айланади. Бу борада табиат образлари (тупроқ, гиёҳ, саҳро, олов, саратон ва ҳ.к.) Ўроз Ҳайдар фикрларининг рамзли, ҳикматли моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Она замин ҳикмати, она юрт тупроғидан унган неъмат шоирнинг гўзаллик, боқийлик хусусидаги ишонч туйғуларини қатъийлаштиради.

Инсон боласи ҳаётда ёлғиз яшай олмайди. Лекин ҳаёт бешафқат, ўлим ҳақ, у кутилмаганда келади, ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмайди. Ажал ҳар кимга ҳар хил қиёфада рўбарў бўлади. Ўроз Ҳайдарнинг акаси истеъдодли шоир Назар Шукур хотирасига бағишлаб ёзган “Акамни йўқлаб” номли шеърида жигарбандини соғиниш ҳисси, армон, изтироб, аламлар ҳисси бўртиб туради. Дунёнинг бир камлиги шоир қалбини чексиз изтиробга солади:

Мени улғайтирди сенинг йўқлигинг,
Ў, олам қайғусин қайдан билибман.
Қайга бош урайин, кимни чорлайин,
Руҳсиз йўловчидек ҳайрон турибман [].

Беғубор болалик, ота уй, онанинг иссиқ бағри, хонадон хотиржамлиги, бирдамлигидан кўнгли тўқ, бағри бутун шоир акасининг ногаҳон ва бевақт ўлимидан кейин жигар куюги нима эканлигини юракдан ҳис қилади, айрилиқнинг аламли доғини англайди, акасининг ўлими уни эрта улғайтиради. Шоир бошини қайга уришни, кимни чорлашни билолмай қолди, ўзини “Тирикману яшамаяпман” (Чори Аваз) дегандек, “руҳсиз йўловчи”, яъни шунчаки умргузаронлик қилаётган одамга ўхшатади. У ҳаёт давомийлигини яхши билади, лекин дунёнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишлари тош тишлатиб қўйишидан ожиз банда каби қўрқиб қолади:

Жилға-ку ўзанин топгай эрта-кеч,

Баҳорий инқилоб қилгай тантана.

Ҳаёт чимдим бахтини қилганида пеш,

Кўзларим тупроққа тўлмасми яна?! []

Дунё қанчалик қадимий бўлса, ҳасрат, алам, айрилиқ, изтироблар ҳам шунчалик қадимий эканлигига инсоният тарихи гувоҳлик беради. Баъзан ошга оғзинг етганида бошинг тошга тегади. Йиллаб кутганингга энди етишай деганингда ўлим орага тушади. Бир кўрпада катта бўлган жигарларинг билан гоҳида йўлларинг айро тушади. Баъзан меҳр кўрсатиб, меҳрсизлик кўрасан, яхшилик эвазига ёмонлик оласан. Ҳаммасига чидайсан, чунки инсоннинг боши тошдан қаттиқ. Халқимизда "Ота-она ўлмоқ мерос, лекин жигар ўлимини кўрсатмасин", деган гап бор. Бу гапнинг маъносини жигари бевақт ўлганлар чуқур ҳис қила оладилар. Ҳамма нарсанинг ечимини топиш мумкин, лекин бевақт ўлимнинг алами аччиқ, у қалбларни беадад аламга дуч этади.

Сендан не мероcдир: шеър ва табассум,

Кулгунгдай поклигу муқаддас алам.

Мажруҳ юрагимга қасос бахш этур

Табассуминг бўлиб яралган олам [].

Шоирнинг маъюс қалби қатларидан сизиб чиққан мисраларда қайтмас бўлиб кетган жигар дарди бор. Меҳрибон биродарисиз шоирнинг мажруҳ бўлиб қолган юрагига акасининг табассумидек яралган оламнинг поклиги, борлиги тасалли беради. Мисралардаги "олам" билан "алам"нинг қофия қилинганлигида ҳам ўзига хос ифода услуби намоён бўлган. Инсон хотираларда яшайди, айниқса, болалик хотиралари бетакрор ва беғубор, аммо бу кенг оламда аламсиз яшаш имконсиз.

Шоир шеърларида ҳиссиётини изоҳламайди. Уни шундай бир ифода билан берадики, шу ифода қатида руҳни ҳолатни туғдирган сабабга муносабат ҳам яширинган бўлади: "О, илдизсиз дарахтман букун, Учаяпман бор-будим қанот.

Мен куляпман ҳаётга боқиб, Менга боқиб йиғлайди ҳаёт”, дейди бир шеърида. Бу туйғу, ҳиссиётлар ўз-ўзидан шеърхонга ҳам юқади.

Ўроз Ҳайдар шеърлари бадиий жиҳатдан пишиқ. Унинг шеърларида ўзбекона лутф ҳукмрон. Адабий тилимизда кам қўлланиладиган сўзларимизни фаол истилоҳга олиб кирди. “Баҳор соғинчи” шеърида:

Чапак чалур бағримда очун,
Кўзларимда юм-юм йиғлар қор.
Сиғдиролмай ичга қувончин,
Ҳув сойларда ҳайқирар Баҳор.
Энтиктирар бир ширин титроқ,
Сакраб-сакраб ҳайқиргум келар.
Ўт-ўландай чирмашиб бироқ
Оёғимга ўралур еллар.
Ҳансирайди ҳадсиз кенгликлар,
Бағрида-чи оқ туман сузар.
Тамшанади гўдак куртаклар,
Новдаларнинг уйқусин бузар [].

Мазкур шеър баҳор ҳақида ёзилган бўлиб, унда “Чапак чалур бағринда очун” мисрасида дунё жонлантирилган. Яъни, ташхис санъати қўлланган. Дунё инсонга ўхшаб чапак чалмоқда. Иккинчи мисрада табиат ҳодисаси бўлган қор жонлантирилмоқда, яъни инсонга ўхшаб ҳаракатлантирилган. Инсонга хос бўлган йиғлаш ҳолати қорга кўчирилган. Тўртинчи мисрада эса қувончини ичига сиғдиролмай йил фаслларидан бири бўлган Баҳор “ҳайқиради”. Шеърнинг иккинчи бандида табиат ҳодисаси бўлган “ел” лирик қаҳрамоннинг оёқларига “ўралади”. Шеърнинг учинчи бандида манзара янада қуюқлашади: “Ҳансирайди ҳадсиз кенгликлар, Бағрида-чи оқ туман сузар. Тамшанади гўдак куртаклар, Новдаларнинг уйқусин бузар”. Кўрганимиздек, Ўроз Ҳайдар маҳоратли шоир сифатида

табиат ҳодисаларини “жонлантирган”. Бу билан шеърнинг бадиий бўёқдорлигини таъминлаган.

Ўроз Ҳайдар шеърларини ўқиганимизда ғайриодатий сўз ва бирикмаларга дуч келамиз. Масалан, *қора ёмғир, шаддод сабо, хаёл қизи, осмон равоғи, совуқ табассум, ялтирайди чалғи товуши, йиғлаётган шеър, қон қусар денгиз кабилар; оқшом ялмоғиздай қўрқинчли, мулкин қиморга бой берган кимсадек, ўтда куйган қушдек, аёли хўрлаган ювош эркакдай, сукунат шивири учар шуъладай, зимистонда ёққан ёмғирдай, ўғли ташлаб кетган чол каби маъюс* каби ноёб ўхшатишларга дуч келамиз.

Ўроз Ҳайдарнинг ўзига хос услуби, ижодий манераси уни бошқа шоирлардан ажратиб туради. Унинг бадиий истеъдоди унинг руҳий оламидаги қудратли кучлар – халқчиллик, инсонпарварлик, адолат ва ҳақиқатга хизмат қилиш истаги, ватанпарварлик, миллатсеварлик идеалларига садоқати ва фидойилигида яққол кўринади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маҳмуд, Паҳлавон. Ҳақ файзи: рубоийлар /Форсийдан Матназар Абдулҳаким таржимаси. – Хоразм: Хоразм, 1999. – 60 б.

2. Мухтор, Асқад. Уйқу қочганда. Тундаликлар. – Тошкент, Маънавият, 1997. – 32 б.

3. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: 1979. – 190 б.

4. Н.Эшонқул, Назар. Мендан “Мен”гача. –Тошкент: Академнашр, 2014. – 505 б.

5. Ҳайдар, Ўроз. Сукут ҳаққуши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 320 б.